

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

1 (4) 2024

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 1(4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори. сиёсий фанлар номзоди. профессор.

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факултети доценти

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳақимов Назар Ҳақимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гўлнора Абдукаҳхаровна –  
т

Гурдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;  
Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Электрон журнал **1368-сонли гувоҳнома** билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEM S TEAM” масъулияти чекланган жамияти.

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

|   |       |
|---|-------|
| <i>Mustafoyev Abubakr Muhiddin o'g'li</i><br>XIII VA XIV-ASRDA YASHAB IJOD ETGAN BUXORO FAQIHLARI VA ULARNING ASARLARI<br>TAVSIFI (1-qism).....   | 9-14  |
| <i>Mirzayev Avazbek</i><br>ANDIJON TAJRIBA PAXTA DALASI TARIXINING ARXIV HUJJATLARIDA YORITILISHI .....   | 15-21 |
| <i>Алиджанова Лазизахон Аббасовна</i><br>ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ДИН ВА ТАБОБАТ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ<br>ЁНДАШУВЛАР .....  | 22-28 |
| <i>Sobirov Sardorbek Abdusattor o'g'li</i><br>XIX-ASRNING IKKINCHI YARMIDA SHARQIY TURKISTONDA ROSSIYA VA BRITANIYA<br>IMPERIYALARI RAQOBATI .....  | 29-34 |
| <i>Джалолов Бахром Джамолович</i><br>СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТАЯККАҲОКИМЛИГИ” СИЁСАТИ ВА<br>БОЛАЛАРГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ .....  | 35-39 |
| <i>Махматкулова Нозикой Чориёевна</i><br>О'ЗБЕКИСТОНДА XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA IRRIGATSIYA-MELIORATSIYA VA<br>QISHLOQ XO'JALIGINI MEKANIZATSIYALASH SOHASIDA YURITILGAN KADRLAR<br>SIYOSATI ..... | 40-45 |
| <i>Ochilov Farhod</i><br>О'ЗБЕКИСТОНДА О'ZINI О'ZI BOSHQARISH ORGANLARINING АНОЛИНИ ИЖТИМОИЙ НИМОYA<br>QILISHDAGI FAOLIYATI .....   | 46-52 |
| <i>Ҳамроева Нодира Нормуродовна</i><br>ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ МУОММОЛАР .....  | 53-58 |
| <i>Мамажонов Алишер, Алишеров Абдувоҳид Алишерович</i><br>ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИ .....  | 59-65 |
| <i>Tursunov Ravshan Normuratovich</i><br>XIX-ASRNING IKKINCHI YARMI – XX-ASR BOSHIDA TURKISTON O'LKASIDA SODIR BOLGAN<br>ZILZILALAR TARIXIGA BIR NAZAR .....  | 66-71 |

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

|  |         |
|--|---------|
| <i>Умурзакова Мўътабархон Нодир қизи</i><br>СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ТИББИЙ СУҒУРТА АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ<br>МОДЕЛИ .....                      | 72-78   |
| <i>Ro'zmetov Bahodir Shomurotovich</i><br>TURIZMDA XIZMATLAR MOHIYATI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY RIVOJLANISHNI<br>TA'MINLASHDAGI O'RNI ..... | 79-90   |
| <i>Shanazarova Nilufar Baratovna</i><br>MILLIY IQTISODIYOTDA TRANSPORTNING АНАМИYATI .....   | 91-99   |
| <i>Рахимов Ойбек Бахтиёрович</i><br>АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ<br>МОХИЯТИ .....                           | 100-109 |

|   |         |
|---|---------|
| <i>Болтаев Нурали Шираматович</i><br>АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ<br>АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....  | 110-118 |
| <i>Эрханов Муҳаммаджон Абсайитович</i><br>ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШДА<br>ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ .....  | 119-124 |
| <i>Жураева Гульзира</i><br>АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В<br>МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛЕ И УСЛУГАХ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ .....   | 125-130 |
| <i>Akbarov Husan O'zbekxonovich</i><br>BOG'DORCHILIKDA TEXNIK SAMARADORLIKNI TAHLIL ETISHNING PARAMETRIK VA<br>NOPARAMETRIK USULLARI .....  | 131-136 |
| <i>Yaqubova Yulduz Raimovna</i><br>KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINING ISHLAB CHIQRISHINI SAMARALI AMALGA OSHIRISH<br>KO'RSATKICHLARI .....   | 137-147 |
| <i>Рахимбаев Акмал Азатбоевич</i><br>ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИ САНОАТГА ИХТИСОСЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ТАРМОҚЛАР<br>БЎЙИЧА АНИҚЛАШ .....  | 148-157 |
| <i>Saidmurodov Feruz Sodiqjon o'g'li</i><br>SAMARALI SOLIQ SIYOSATI-INNOVATSION RIVOJLANISHGA O'TISHNING ASOSIY<br>SHARTI .....   | 158-170 |
| <b>09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>   |         |
| <i>Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна</i><br>БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИНИ ШАРҲЛАГАН АЛЛОМА .....   | 171-175 |
| <i>Шарифходжаева Наргиза Абдуманноновна</i><br>ФИЛОСОФИЯ СВОБОДЫ, РАВЕНСТВА И СОЦИАЛЬНОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ МУХАММАДА<br>АЛИ ДЖИННЫ .....   | 176-181 |
| <i>Nasimov Azizbek Azimovich</i><br>АХВОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ FALSAFIY<br>МОНИЯТИ .....   | 182-186 |
| <i>Norkulov Olim Nasimovich</i><br>GLOBALLASHUV JARAYONIDA MIGRATSIYANING AHOLI AXLOQIY QADRIYATLARIGA<br>TA'SIRI .....   | 187-191 |
| <i>Хасанов Бобуржон Хакимович</i><br>ОММАВИЙ НОРОЗИЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ<br>ИСТИҚБОЛЛАРИ .....  | 192-197 |
| <i>Quratboyev Alisher Maxsudovich</i><br>YANGI O'ZBEKISTON VA IJTIMOY DAVLATCHILIK .....  | 198-204 |
| <i>Raxmonberdiyev Islombek Ilxom o'gli</i><br>SIVILIZATSIYALAR TARAQQIYOTIDA MADANIYATLAR TO'QNASHUVINING IJTIMOY-<br>FALSAFIY AHAMIYATI (Samyuel F. Xantingtonning "Sivilizatsiyalar to'qnashuvi" asari<br>asosida)..... | 205-214 |

|   |         |
|---|---------|
| <i>Shukurov Orif Jumaboyevich</i><br>JAMIYATDA YOSHLARNING IJTIMOYIY AKTIVLIGINI OSHIRISH<br>XUSUSIYATLARI VA TAMOYILLARI .....                     | 215-219 |
| <b>10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>   |         |
| <i>Akhmedov Oybek Saporbayevich</i><br>THEORETICAL OVERVIEW OF THE DEFINITION “TERM” AND “TERMINOLOGY” IN<br>LINGUISTIC SURVEYS .....               | 220-227 |
| <i>Ravshanova Gulrukhbegim Qaxramon qizi</i><br>ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНАВИСЛИК АНЪАНАСИ .....   | 228-232 |
| <i>Ortiqova Mavluda Nurmahammadovna</i><br>AQOID ILMIDA KAROMAT TUSHUNCHASI VA BADIY ADABIYOTDAGI TALQINI .....                                     | 233-237 |
| <i>Uliqova Mavludaxon</i><br>“QON-QARINDOSH” KONSEPTINI FONETIK-FONOLOGIK SATHDA NAMOYON<br>BO’LISHI .....  | 238-243 |
| <i>Rahmonov Asror ibni Nusrat</i><br>HERMANN HESSE HAYOTI, IJODI VA ADABIYOTDAGI O’RNI .....  | 244-252 |
| <i>Raxmatova Dilafruz Nusratilloevna</i><br>SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI ....                                | 253-258 |
| <i>Djuraeva Muxlisa Shadiyarovna</i><br>INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA OILAVIY NUTQDAGI IJTIMOYIY-MADANIY FARQLAR ....                                  | 259-265 |
| <i>Vokhidova Tamanno Saidjonovna</i><br>MEDIALINGUISTICS AS A MODERN SCIENTIFIC DIRECTION .....   | 266-271 |
| <i>Djurayeva Shahlo G’ulom qizi, Sattarova Ismigul Baxtiyorovna</i><br>INGLIZ ADABIYOTLARIDA KIRITMA BIRLIKLARINING BADIY SEMANTIKASI .....         | 272-277 |
| <b>12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР</b>   |         |
| <i>Uzakova Go’zal Sharipovna</i><br>O’ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA “YASHIL QURILISH”NI AMALGA OSHIRISHNING HUQUQIY<br>MASALALARI .....                  | 278-286 |
| <i>Murzaev Shuxrat Shavkatovich</i><br>СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ КАТЕГОРИИ ПРАВОПОНИМАНИЯ .....   | 287-293 |
| <i>Qosimov Botirjon Ma’rufjon o’g’li</i><br>SUD HOKIMIYATINING MOLIYAVIY MUSTAQILLIGI: KONSTITUTSIYAVIY TAHLIL .....                                | 294-301 |
| <i>Islombek Abdikhakimov</i><br>QUANTUM COMPUTING AND LEGAL READINESS FOR E-GOVERNMENT SERVICES .....   | 302-309 |
| <i>Hodjaeva Shirinxon Olimxon kizi</i><br>ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДЕБНОЙ<br>СИСТЕМЕ .....                           | 310-315 |
| <i>Jiyenbayev Bahadir Ospanovich</i><br>EKOLOGIK AUDITNI HUQUQIY TA’MINLASHNING AYRIM XUSUSIYATLARI: MILLIY VA<br>XORIJIY TAJRIBA .....             | 316-322 |
| <i>Aliyev Sobir Tursunboevich</i><br>СУД ҲУКМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ<br>ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... | 323-329 |

*Адембаев Аралбай Куралбаевич*

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ  
ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 330-339

### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Матенов Рашид Бекимбетович, Анатолий Викторович Тряпельников*

ЮРИДИЧЕСКИЙ ТЕКСТ КАК ОБЪЕКТ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ-  
ЮРИСТОВ: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕЖОТРАСЛЕВЫЕ  
ПЕРСПЕКТИВЫ ..... 340-346

*Хаййева Ирода Адамбаевна*

TALABALARGA ZAMONAVIY O'ZBEK SHE'RIYATI VA FOLKLOR MUNOSABATINI  
TUSHUNTIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O'RNI ..... 347-351

*Ayatov Raximberdi Ibragimovich*

XORIJIY TILDA TURIZM VA MEHMONXONA BIZNESI SOHASIGA OID SO'Z VA IBORALARNI  
O'QITISHDA TIL KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH ..... 352-357

*Saidova Dilobar Ikrambayevna*

MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHILARIDA IJTIMOY XULQ-ATVORNI  
RIVOJLANTIRISH ZARURATI ..... 358-361

*Eshqobilov Elmurod Menglimurod o'g'li*

KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHISINING  
KASBIY-PEDAGOGIK IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISH  
METODIKASI ..... 362-367

*Ҳамдамова Шахноза Юсупалиевна*

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАДАШУВ АСОСИДА  
ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ..... 368-375

*Janonova Sitora Berdinazarovna*

TA'LIM VA TARBIYA TARAQQIYOTIDA KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYA  
TUSHUNCHASINING O'RNI ..... 376-381

*Турсунбоева Мухлиса Анвар қизи*

ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КАСБГА  
ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК АСОСИДА ЎҚИТИШ ПЕДАГОГИК МУАММО  
СИФАТИДА ..... 382-387

*Bakhadirova Shoxina Nadir kizi*

INGLIZ TILIDA GAPIRISH KO'NIKMASINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN MASHQ VA  
TOPSHIRIQLARNI ONLINE KO'RINISHDA O'QITISH ..... 388-392

*Qurbonova O'lmasoy Usmonovna, Niyozova Shohista Nusratilloevna*

OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK OMILLARI ..... 393-397

*Xudayberdiyeva Mahliyo Zayniddin qizi*

BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KOMMUNIKATIV YONDASHUV ASOSIDA KASBIY SIFATLARINI  
RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI VA INNOVATSION  
METODLARI ..... 398-403



**Алиджанова Лазизахон Аббасовна**  
ЎзХИА, Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий  
ўрганиш UNESCO кафедраси ўқитувчиси

## **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ДИН ВА ТАБОБАТ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР**

**Аннотация.** Мақолада илмий тадқиқотларда дин ва табобат масаласини ўрганишдаги ёндашувлар ўрганиб чиқилган, шу тариқа инсоният тарихи давомида тиббиёт масаласи ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Айниқса, унинг дин билан асосланиши ёки диний таълимотларга зид бўлиши муҳокама марказида бўлган. Антик давр олимлари томонидан ёзилган тиббиётга оид асарларда диний мотив учрамасада, диний адабиётларда тиббиёт масаласи доимо изоҳланган. Кейинчалик, жамиятда диннинг ўрни кучайиши билан тиббиёт билан шуғулланувчи олимлар ҳам ўз қарашларини дин билан исботлашга ҳаракат қилдилар.

**Калит сўзлар:** тиббиёт, дин, тадқиқот, Ғарб, Шарқ, ёндашув, Инжил, Қуръон, тиббиёт мактаби

---

**Alidjanova Lazizakhon Abbasovna**  
International Islamic Academy of Uzbekistan, teacher of the UNESCO Department of  
Religious Studies and Comparative Study of World Religions

## **APPROACHES TO THE STUDY OF RELIGION AND MEDICINE IN SCIENTIFIC RESEARCH**

**Abstract.** This article discusses approaches to the study of religion and medicine in scientific research, since throughout the history of mankind the issue of medicine has never lost its relevance. In particular, the focus of discussion has been on its compatibility with religion or its contradiction to religious teachings. Although ancient medical works by scholars do not contain religious motives, the issue of medicine has always been elucidated in religious literature. Later, as the role of religion in society grew, medical scientists attempted to justify their views with religion.

**Key words:** medicine, religion, research, West, East, approaches, Gospel, Quran, medical school.

---

**Алиджанова Лазизахон Аббасовна**  
преподаватель кафедры религиоведения и  
сравнительного изучения мировых религий ЮНЕСКО  
Международная исламская академия Узбекистана

## **ПОДХОДЫ К ИЗУЧЕНИЮ РЕЛИГИИ И МЕДИЦИНЫ В НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЯХ**

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены подходы к изучению религии и медицины в научных исследованиях, так как на протяжении всей истории человечества вопрос медицины никогда не терял своей актуальности. В частности, в центре обсуждения был вопрос об обосновании её религией или противоречии религиозным учениям. Хотя в трудах по медицине античных ученых нет религиозного мотива, проблема медицины всегда разъяснялась в религиозных литературах. Позже, с возрастанием роли религии в обществе, ученые-медики пытались обосновать свои взгляды религией.

**Ключевые слова:** медицина, религия, исследование, Запад, Восток, подходы, Евангелие, Коран, медицинская школа.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I1Y2024N03>

**Кириш.** Тиббиёт ва дин тўғрисидаги илк тадқиқотлар Ғарбий Европада биринчи тиббиёт мактаблари ва университетларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Христиан динига кўра, билим 2 турга: ғайритабиий ва табиий билимга ажратилган. Ғайритабиий билимлар Инжилда келтирилган илмлар бўлса, табиий билимлар инсон тафаккури натижасида юзага келган бўлиб, улар Афлотун, Арасту ва христианлик томонидан тан олинган бошқа антик давр файласуфларининг матнларида ўз аксини топган. Олимларнинг вазифаси бу матнларни янги маълумотлар билан тасдиқлаш бўлган. Шу асосда ўрта асрлар схоластикаси (юнонча ἐπιστήμονας — олим, scholia — мактаб) — диний фалсафанинг бир тури, католик илоҳиётшунослиги ва Арасту мантиқининг синтези бўлиб, у билимнинг асосий манбаи сифатида Библияга мурожаат қилиш, исботлашнинг мантиқий усуллари қўллаш орқали диний дунёқарашни оқилона назарий асослаш билан тавсифланган [1]. Арастунинг руҳ абадийлиги ҳақидаги таълимоти Ўрта асрлар схоластикасида қўлланилган бўлиб, кўп асрлар давомида Европада табиий-илмий билимларнинг ривожига таъсир кўрсатган.

**Асосий қисм.** Ғарбий Европадаги биринчи тиббиёт мактаби, Италиядаги Салерно тиббиёт мактаби бўлиб, тахминан IX асрда ташкил этилган. Шифокорлар беморларни даволаш ва тиббиёт санъатини ўргатиш билан шуғулланган. Мактаб амалий шифокорлар мактаби сифатида ривожланган. Муқаддас Рим императори Фридрих II (XIII аср) буйруғи билан унга шифокор унвонини бериш ҳуқуқи берилган. Мактабда лицензиясиз тиббий фаолият билан шуғулланиш тақиқланган ва мамлакатда бундай ҳуқуқларга эга бўлган ягона мактаб ҳисобланган.

Мактабнинг обрўси ва машҳурлигини Салерно шифокорлари томонидан ўрганилган ва Европа бўйлаб тарқатилган кўплаб тадқиқотлар билан изоҳлаш мумкин. Ўрта аср Европа жамиятида диннинг ўрни бирламчи бўлганлиги сабабли, тадқиқотларда ҳам буни сезиш мумкин. IX-XI асрларда Салернода 60 та рецептни ўз ичига олган “Антидотарий”, ва “Пассионарий” — касалликларга ташхис қўйиш бўйича амалий қўлланма каби амалий тиббиёт асарлари яратилган. XII асрда Салернода ўша пайтда маълум бўлган барча касалликларни даволашга бағишланган “Касалликларни даволаш тўғрисида” рисоласи ёзилган.

Париж университети (1215) Франция ва Европадаги биринчи университетлардан бири бўлиб, бир неча ибодатхона мактабларининг бирлашиши натижасида яратилган. Дастлаб у 4 та факультетга эга бўлган: санъат, қонунчилик, тиббиёт ва илоҳиёт. XIII асрда у Европадаги энг йирик университетлардан бирига айланди. Тиббиёт илоҳиётга нисбатан иккинчи даражали фан ҳисобланган, чунки Париж университети христиан илоҳиётига асосланган бўлиб, христианлик таълимотига кўра, инсонни даволаш унинг руҳиятини поклашдан бошланади. Тиббиётнинг вазифаси эса “ўлик танани даволаш” деб қаралган [2].

Европа университетларида ректор, декан каби раҳбар лавозимларни руҳонийлардан бўлган шахслар эгаллаган, бу чора қонуний сабабларга кўра амалга оширилган бўлиб, дунёвий шахслар руҳонийларни суд қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган.

Париж каби черков университетларида раҳбар ходимлар черков томонидан, Неапол каби қирол фармони билан ташкил этилган университетларда эса қирол ҳокимияти томонидан тайинланган ва маош тўланган.

“Тиббиёт” атамаси ички касалликларни англантиб, схоластика ҳукмронлик қилган Ғарбий Европа университетларида амалий тажрибага эътибор бермаслик таълим тизимининг ўзига хос хусусияти ҳисобланган. Ибодатхона Гален, Гиппократ ва Ибн Сино асарларини тан олган. Черков цензурасидан ўтказилган тиббиётга доир асарларгина университетларда ўқитилган. Ўқитиш ва ўрганиш икки усулда: догматик ва схоластик бўлиб, университетларда ички касалликларни ўрганиш фақат назарий характер касб этган [3]. Ўрта аср университетларининг аксариятида жарроҳлик амалиёти ўқитилмаган. Христианлик таълимоти ва черков қонунлари инсон жасадининг очилишини таъқиқлаганлиги сабабли талабаларнинг инсон тузилиши ҳақидаги тасаввурлари юзаки бўлган.

Сорокина ўз ишида таъкидлаганидек: “Ғарбий Европада ўликларни илк мартаба ёриб кўриш энг илғор университетларда – Салерно ва Монпеледа роҳибларнинг махсус рухсати билан фақат XIII-XIV асрлардан бошлаб амалга ошира бошланган. Бунинг асосида 1238 йилда Фридрих II Салернодаги тиббиёт факультетига 5 йил ичида фақат 1 та жасадни очишга рухсат берган. 1376 йилга келиб, Анжу герцоги Людовик ва Лангедок ҳукмдори Монпеле университетига йилига 1 та жасад беришни буюрган.

Тиббиётга доир тадқиқотлар ва китоблар топиш жуда мушкул ва қиммат бўлган. Хаттот-роҳиблар ҳар бир китоб устида бир неча йил ишлаганлар. Қимматбаҳо китоблар назорати кафедраларга юклатилган ёки китоб жавонларга занжирбанд қилинган. Мисол учун XV асрда Париж университетининг тиббиёт факультетида бор йўғи 12 та китоб бўлган [4].

Ғарбий Европада анатомия бўйича биринчи дарслик (1316) Болонья университети магистри М. де Лусси (1275–1326) томонидан яратилган. Унинг тўплами 2 та жасаднинг очиб кўрилишига асосланган бўлиб, улар жуда камдан-кам учрайдиганлиги сабабли бир неча ҳафта давомида эҳтиёткорлик билан бажарилган. Кўп маълумотлар Галеннинг “Инсон танасининг қисмларини номлаш тўғрисида” асаридан олинган. Кейинчалик илмий анатомиянинг асосчиси бўлган Везалиус анатомияни ушбу дарслик бўйича ўрганган [5].

Ги де Шолиак (1300-1368) — Франция “жарроҳлигининг отаси”, Болонья, Монпеле ва Париж университетларининг таниқли битирувчиси, тиббиёт магистри бўлган. У Авинён папалигининг папа Климент VI ва унинг икки вориси — Иннокентий VI ва Урбан V шифокори бўлган. Лион яқинидаги Сен-Жюст ибодатхонаси касалхонасида жарроҳлик операцияларини ўтказган ва вабо пандемияси даврида (1348), Рим папаси Климент VI рухсати билан у вабодан ўлганларни касалликнинг сабабини ўрганиш очиб кўриш амалиётини бажарган. У вабо билан касалланган беморларни тиббий мақсадда очиб кўрган биринчи шифокорлардан бири ҳисобланади. Унинг “Тиббиётнинг жарроҳлик санъати шарҳи” (1363) асари ўша давр жарроҳлик бўйича ўзига хос энциклопедия ҳисобланади. Асар XVII асргача Ғарбий Европада жарроҳлик бўйича дарслик сифатида қўлланилган [6].

Ислом таълимоти юзага келган даврда жамиятда ўзига хос халқ табobati мавжуд эди. Зеро, VII асрга қадар кўплаб тиббиётга доир асарлар ёзилган бўлсада, ушбу халқ

табобатининг манбавий асоси йўқ эди. Қалб ва жисмни даволовчи Қуръон оятлари ва ҳадислар юзага келиб, улар тўплангач, мусулмон табиблар шариат ва илмга асосланган ҳолда асарлар ёза бошладилар. Бунинг натижасида янги Тиббун набавий жанри юзага келди.

IX асрдан бошлаб мусулмон мамлакатларида тиббиёт илми ўзининг энг юқори чўққисига чиқиб, янги ихтиролар, янги илмий асарлар пайдо бўлди. Шунингдек, ушбу асарлар Ғарб ренессанси учун ҳам асос бўлиб хизмат қилди. Мусулмон табиблари ихтиролари ва асарлари устига қурилган Ғарб тиббиёт мутафаккирларининг қарашлари янги тадқиқотлар ҳамда асарларнинг вужудга келишига олиб келди. Араб халифаликларининг табобати VII аср ўрталаридан бошлаб шакллана бошлади. Унинг энг гуллаб-яшнаган даври X-XI асрларга тўғри келади. Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Дамашқ, Бағдод, Қоҳира, Кордовадан ўз замонасининг буюк шифокор олимлари етишиб чиққан. Масжидлар тиббий таълимнинг асосий марказлари ҳисобланган [7].

Тиббий билимларнинг ривожланишида араб тилидан лотин тилига тиббиёт адабиёти таржимонлари муҳим аҳамият касб этган. Улар мусулмон Шарқ табиблари асарларини Европага етказганлар. Ўз навбатида Шарқ мутафаккирлари антик давр тиббиёт класиклари меросини сақлаб қолдилар. IX-X асрларда мавжуд бўлган деярли барча адабиётлар араб тилига таржима қилинган. Машҳур таржимон халифа ал-Мутаваккилнинг сарой табиби несториан-насроний Хунайн ибн Исъҳоқ (809–873 йй) бўлиб, у араб, сурия, юнон ва лотин тилларини яхши билган, илмий асарларнинг қўлёзма нусхаларини топиш мақсадида Византия империяси бўйлаб саёҳат қилган. Унинг таржималари орасида Гиппократ, Диоскорид, Гален, Афлотон, Арасту, Соран, Орибасий, Эгина оролидан бўлган Павел асарлари мавжуд. Бағдодда тиббиёт фанидан дарс берган, араб тилига тиббиёт атамасини киритган, араб тилидаги тиббий матнларга асос солган, кўз мускуллари ва асабларини тавсифловчи (“Ўн рисола ҳақида китоб, кўз тўғрисида”) офтальмология фанининг шаклланишига ҳисса қўшган.

Ўрта асрларнинг энг машҳур жарроҳларидан бири Қурдобалик (Испания, Кордова амирлиги) аз-Заҳравий таҳминан 936-1013 йилларда яшаб ўтган. Унинг 30 жилдли “Тиббий билимлар китоби”, бутун умри давомида тўпланган амалий тажрибанинг қисқача мазмуни ҳисобланади. “Жарроҳлик ва асбоблар тўғрисида рисола” нинг (30-жилд) – жарроҳлик бўйича биринчи тасвирланган асар бўлиб, унда каутеризация, яралар, йиринглар, чурралар, варикоз томирларини даволаш, ўсмалар, сўгаллар, тошларни олиб ташлаш, оёқ-қўлларини ампутация қилиш, дояларни ўқитиш ва ўлик ҳомилани она қорнидан олиб ташлаш каби масалалар кўриб чиқилган. аз-Заҳравийнинг асарлари Марокашда нашр этилган ва Ўрта аср жарроҳлари учун дарслик ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилган. Бугунги кунда Париж Миллий кутубхонаси мулки ҳисобланади.

аз-Заҳравий яралар ва тери жароҳатларини даволашда антисептиклардан фойдаланган, кетгутни (ҳайвон ичакларидан тайёрланган, сўрилиб кетувчи жарроҳлик ипи) ихтиро қилган ҳамда 200 га яқин жарроҳлик асбобларини илк марта тасвирлаб берган ва чизмаларда тақдим этган. У биринчи бўлиб суякларнинг сил касаллигини таърифлаган, каутеризация усулини ишлаб чиққан. У кичик тос бўшлиғида операциялар пайтида беморнинг ётган ҳолатини, катаракта (лотинча катаракта – булутлилик) атамасини ва кўз жарроҳлигида уни олиб ташлаш операциясини амалиётга киритган.

Сорокина ўз асарида 965-1039 йилларда яшаб ўтган мисрлик шифокор Ибн ал-Хайсам кўз тузилишини ўрганиб, илк маротаба кўз атрофидаги нурларнинг синишини тушунтирганини таъкидлайди. Шоҳ парда, линза, шишасимон тана каби кўз қисмларига ном берган. Кристалл ва шишадан линзаларнинг кўринишларини ясаб, икки қавариқ линзалар ёрдамида кўриш қобилиятини тўғрилаш ғоясини илгари сурган ва улардан кексаликда фойдаланиш мумкинлиги таклифини киритган. Оптика ҳақидаги рисола уни Шарқ давлатларида ва Ғарбий Европа мамлакатларига машҳур қилган. Китобнинг асл нусхаси сақланиб қолмаган. Лотин тилига таржима қилинган нусхаси “Араб оптикаси хазиналари” номи билан бугунги кунгача сақланиб қолган.

Аммор ибн Али ал-Мавсилиё (Қоҳира, X аср) ўзи ихтиро қилган игна ёрдамида кўз қорачиғига таъсир этиш йўли билан катарактани олиб ташлаш операциясини ихтиро қилди ва у “Уммар операцияси” номини олган.

Абу ар-Розий (850-923) назарий билимларни шифохона амалиёти билан боғлаган. Унинг қаламига мансуб 200 га яқин асарлар мавжуд. Унинг “Чечак ва қизамиқ ҳақида” асари катта аҳамиятга эга бўлиб, унда уларнинг белгилари, касалликнинг кечиши ва даволаш, фарқлари, чечак билан қайта инфекцияга қарши иммунитет, вакцинация зарурати тасвирланган. Беморни даволаш чоралари орасида у оғиз бўшлиғига эътибор беришни таъкидлаб, эритмали сув билан ювишни тавсия қилган [8].

Ибн Сино (980-1037) ўрта аср энциклопедист олими, файласуф ва табиб, амир ва султонларнинг сарой табиби ҳамда Ҳамадон вазири сифатида фаолият олиб борган. У фаннинг 29 йўналиши бўйича 450 дан ортиқ асар ёзган. У мантиқ ва фалсафа, геометрия ва астрономия, физика ва кимё, ботаника ва илоҳиёт, муסיқа ва тиббиётни ўрганган. Унга амир Шамс ад-Давла саройида илмий фаолият учун қулай шароит яратилган. У амирнинг бош табиби ва маслаҳатчиси бўлган, ҳатто ҳарбий юришларда ҳам унга ҳамроҳлик қилган. У бир неча йил Хоразмда яшаб, Ибн Сино илмий қарашларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган ал-Беруний, ал-Масиҳий каби кўзга кўринган олим ва табиблар билан “Байт ул-ҳикма”да бирга фаолият олиб боради. Ибн Синонинг “Иллатларни тузатиш ва олдини олиш орқали турли хил манипуляциялардан зарарни олиб ташлаш”, “Шаробнинг фойда ва зарари ҳақида”, “Тиб ҳақида шеър”, “Пульс ҳақида рисола”, “Саёҳатчилар учун тадбирлар”, “Цикорийя ҳақидаги рисола”, “Қон қуйиш учун қон томирлари”, “Шифо китоби”, “Билимлар китоби” каби асарлари бутун дунёда машҳур.

Ибн Сино “Доривор воситалар” номли асарида пневманиянинг пайдо бўлиши ва намоён бўлишида юракнинг тутган ўрни, юрак хасталикларини ташхислаш ва даволаш хусусиятлари, “Жинсий қувват ҳақида рисола”да жинсий касалликлар ташхиси, уни олдини олиш ва даволаш, “Сирка ва асал ҳақидаги рисола”да сирка ва асал аралашмаларини тайёрлаш ва даволашда фойдаланиш масалаларини кўриб чиққан. Ибн Сино жисмоний ва руҳий даволанишга алоҳида эътибор қаратади. Руҳни даволаш борасида унинг тасаввуфий асарлари мавжуд бўлиб, уларга “Ишқ китоби”, “Намознинг асли ҳақида китоб”, “Зиёрат маъноси китоби”, “Ўлим кўрқувидан қутулиш китоби”, “Тақдир китоби” киради [9].

Тиб қонунлари (XI аср) Ибн Синонинг қомусий характердаги асосий асари бўлиб, унда қадимги табибларнинг кўрсатмалари араб тиббиёти ютуқларига мувофиқ қайта кўриб чиқилган. У бу асарни қарийб 20 йил давомида ёзган. Китобда изчиллик асосида

тиббиёт, анатомия, физиология ва жарроҳлик назариясига оид масалалар кўрилган. Касалликларнинг белгилари, диагностикаси ва сабаблари, уларни даволаш ва олдини олиш тамойиллари, операциядан кейинги ёрдам тасвирланган. Ибн Сино йирингли яллиғланиш ва ўсмаларнинг дислокациялари ҳамда суяк синишларини даволаш усулларини тавсифлаган. Касалликлар энг кичик жонзотлар томонидан кўзғатилиши мумкинлигини тахмин қилган. Биринчи навбатда, чечакнинг юқумлилигига эътибор қаратган ва у бошқа касалликлардан ажратиб тасвирланган. Дори воситаларининг тавсифи, уларни ишлаб чиқариш ва қўллаш усулларига катта эътибор берилган. Заҳар ва заҳарланишга қарши усуллар учун алоҳида боб ажратилган.

XVII-XVIII асрга келиб дунё бўйлаб илм соҳаларининг торайиб бориши, дин ва замонавий илмнинг ажраши натижасида, Ғарбда тиббиёт ва диннинг муштарак жиҳатлари йўқола борди. Асосий эътибор соф илмий тиббиётга қаратилиб, диннинг роли аҳамиятсиз даражага тушиб борди. Мусулмон шарқида эса ушбу даврларда дин ва тиббиёт уйғунлиги кескин узилмаган бўлсада, диний мутаассибликнинг кучайиши оқибатида илм билан шуғулланиш бироз сусайди [10].

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ғарб ва Шарқда тиббиётнинг диний асоси, тиббиётнинг вужудга келиши тарихида диннинг аҳамияти, диний таълимотлардаги тиббий масалаларнинг замонавий тиббиёт томонидан асосланиши, замонавий тиббиёт ихтироларининг Қуръон оятлари ва ҳадисларда акс этиши каби тадқиқотлар юзага кела бошлади.

**Хулоса.** Замонавий медицина XXI асрга келиб ўзининг юксак чўққисига эришди. Шунингдек, у энг тор соҳаларгача кириб бормоқда. Бироқ, тиббиёт тадқиқотининг ўзида ҳам янги йўналиш пайдо бўлиб, тиббий илмларнинг диний асослари, тиббиёт тарихида диннинг ўрнини ўрганиш соҳада кенг ривожланиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги тадқиқотлар дин ва тиббиётга оид эътиқодий-ижтимоий асосларни ўрганишда тадқиқот ёндашувларни турфа хил эканлигини ва долзарблигини билдиради.

Инсоният тарихи давомида тиббиёт масаласи доимо бирламчи соҳа ҳисобланиб, унинг дин билан асосланиши ёки диний таълимотларга зид бўлиши муҳокама марказида бўлган. Шу сабабли антик давр олимларидан бошлаб бугунги кунга қадар мутафаккирлар, тиббиёт олимлари томонидан ёзилган илмий тадқиқотларда дин ва таъбабат масаласи алоҳида ўрганилган. Кейинчалик, жамиятда диннинг ўрни кучайиши билан фақат тиббиёт билан шуғулланувчи олимлар ҳам ўз қарашларини дин билан исботлашга ҳаракат қилганлар. Бунинг натижасида, дин ва тиббиётни узвий ўрганувчи тадқиқотларда бир қанча ёндашувлар юзага келди. Жумладан, ўрта аср тиббга доир манбаларнинг барида жамиятда диннинг роли устунлик қилганлиги сабабли диний мотив устунлик қилган бўлса, замонавий тадқиқотларни ёндашувига кўра тарихий, тиббий, фалсафий, диний-субъектив ва объектив ёндашувларни кузатиш мумкин.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Martin E. Marty and Kenneth L. Vaux, ed., Health/Medicine and the Faith Traditions: An Inquiry Into Religion and Medicine. Philadelphia: Fortress Press, 1982. – P. 76.
2. Biller and Ziegler, ed. Religion and Medicine in the Middle Ages. - P. 4.

3. Stanley Rubin, *Medieval English Medicine*. Newton Abbot Devon: David & Charles, 1974. – P. 46.
4. Сорокина Т.С. *История медицины*. – Москва: Academia, 2008. - 209 с.
5. Аюшеева Л.В. Роль тибетского врачевания в отечественной медицине (XVII - XX вв.). Диссертация. <https://www.dissercat.com/content/rol-tibetskogo-vrachevaniya-v-otechestvennoi-meditsine-xvii-xx-vv>
6. DERRIDA, Jacques; VATTIMO, Gianni (orgs.). **A religião: o seminário de Capri**. São Paulo: Estação Liberdade, 2000.
7. Арзиқулов С. Расулulloҳ алайҳиссалом табобати. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро маркази, 2019. –Б.116.
8. Ибн Ризвон, Долс ва Жамол. Ўрта аср Ислом тиббиёти: Ибн Ризвоннинг Рисоласи, "Мисрда танадаги касалликларнинг олдини олиш тўғрисида". –Б.14.
9. Fazlur Rahman. *Islam and Medicine: Health and Medicine in the Islamic Tradition: Change and Identity*. New York, 1987. –Б.34.
10. Али ибн Ризвон, Майкл В. Долс ва Одил Сулаймон Жамол. Ўрта асрлар Исломий тиббиёт: Ибн Ризвоннинг "Мисрда танадаги касалликларнинг олдини олиш тўғрисида" рисоласи. (Беркели: Калифорния Университети Нашриёти, 1984). –Б.6.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 1 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).